СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 90 (10.395) / 2005 ЙИЛ 10 МАЙ

# ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР



**Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 9 Майнинг Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши инсон хотираси ва қадрига нисбатан юксак эътиборнинг ёрқин намойишидир.**

Хотира ва Қадрлаш куни бу гал Сиҳат-саломатлик йилида нишонланаётгани, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллигига тўғри келганлиги унинг аҳамиятини янада оширади.

Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тунни тонгга улаб меҳнат қилган, ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз матонати ва фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига эҳтиром сифатида чоп этилган, этилаётган китоблар, мамлакатимизнинг турли жойларида ўрнатилган ва ўрнатилаётган ёдгорликлар ҳам бу фикрларни тасдиқлайди. Президентимиз Фармонига кўра Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларининг мукофотланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намойишидир.

Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Зеро, азалий тушунчаларда дарж этилганидек, тарихдан сабоқ чиқариб яшаш, дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиб, юрт аҳлининг қадрига етиб, дуосини олган авлод ҳеч кимдан кам бўлмайди.

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимиз номлари абадиятга муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари Ватаннинг фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро Она қиёфасида изтироб ва аламли, айни пайтда улуғвор умид намоён...

Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро Она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Мана шундай улуғ кунда халқимиз ўзининг инсоний бурчини адо этиб, жангу жадалларда ҳалок бўлганлар, шу ёруғ, дориламон кунларга етиб келолмаганлар хотираси олдида бош эгади, - деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. - Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни баён этди:

— Бугун Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллик байрами куни, - деди Президент. - Бу ғалаба жаҳон тарихида, ҳеч шубҳасиз, абадий сақланиб қоладиган улуғ бир сана.

Фашизм балосини даф этиш, жаҳон аҳли орзиқиб кутган ғалабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида 1,5 миллион нафар ватандошимиз иштирок этган. Уруш майдонларида ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун, мусаффо осмонимиз учун жон берган, қурбон бўлган 450 мингдан зиёд ватандошимиз шулар жумласидандир. Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, фараз қилиш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли ҳол.

Бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида абадул-абад сақланиб қолади.

Бундай буюк воқеани бутун жаҳон жамоатчилиги катта ҳурмат билан эсламоқда. Лекин бу санани нишонлашдан мақсад, аввало ғалабанинг моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англаш, одамзодни турли хавф-хатарлардан огоҳ этишдан иборат бўлмоғи лозим. Қолаверса, кишилик тарихида урушнинг бошқа қайтарилмаслиги, бундай даҳшатларни одамзоднинг ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлашга даъват этадиган тадбир сифатида қабул қилишимиз керак, деб ўйлайман, деди Юртбошимиз.

Бу санага муносабатда аввалამбор одам зотининг тақдири ва қисмати, фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган инсонларни улуғлаш, уларнинг номини абадийлаштириш, бирон одамни ҳам эътибордан қолдирмаслик диққат марказимизда туриши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт. Айнан мана шундай эзгу мақсадларни инобатга олиб, халқимиз, жамоатчилигимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, биз 1999 йилдан бошлаб 9 майни юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бугунги кунда бу қароримиз қанчалик ўринли ва тўғри бўлгани, у нақадар чуқур маъно ва мазмун касб этиб бораётганини ҳис этиш қийин эмас.

Хотира ва қадрлаш деганда, биз аввало бу икки тушунчанинг узвий боғлиқ эканини, бугун биз кечираётган эркин ва ёруғ ҳаётни асраб қолиб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонларни эслаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, хаёлимизда, фикру ёдимизда мангу сақлашни тушунамиз. Шу билан бирга, биз хотира ва қадрлаш деганда, бугун орамизда яшаб келаётган инсонларни қадрлаш, асраб-авайлаш, ҳаётини, оғирини енгил қилиш, қўлимиздан келадиган барча ёрдамимизни улардан аямаслик, уларнинг олдидаги муқаддас бурчимизни адо этишни назарда тутамиз.

Хотирасиз келажак йўқ. Агар миллат ўзининг порлоқ келажагини кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлмоғи лозим. Чунки халқ, миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи даркор.

Ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим. Бундай қараш эл-юртимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб бориши керак. Мана шундай ҳаётий қараш ва ёндашув, айниқса ҳаётга энди мустақил қадам қўяётган ёшларимиз ҳаётининг узвий қисми бўлиши, барчамиз учун муқаддас қадриятга айланишини истардим, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Юртимизни, фарзандларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини англаб боргани сари уларнинг онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз?», деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиб бормоғи зарур.

Ёшларимиз, заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбида шу юрт, шу халқ билан фахрланиш, унинг келажаги, фаровонлиги йўлида қайғуриш ҳислари чуқур илдиз отмоғи лозим.

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак. Улар бугун шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот технологиялари имкониятларидан бемалол фойдалана оладиган, ғурури баланд, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод бўлиб етишишлари зарур.

Ёшларимизни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга уларга замонавий тараққиёт эришаётган ютуқлардан ҳам баҳраманд бўлишларида кўмаклашмоғимиз лозим, деб таъкидлади Юртбошимиз. Айни чоғда, фарзандларимиз халқимизнинг бой тарихини, миллий урф-одатларини, бугун эришаётган ютуқларимизни, шунингдек, адабиёт ва санъатимизни, фан ва маданиятимизни жаҳон узра кенг тарғиб этишда ҳам фаол бўлмоқлари даркор. Бунда замонавий ахборот технологиялари, хусусан, Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

Зеро, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг фарзанди шу миллат ва шу халқни улуғлаши, шу йўлда фидойи бўлмоғи керак.

Кексаларга ҳурмат, меҳр-мурувват кўрсатиш хусусида гапирар экан, Юртбошимиз қуйидагиларни таъкидлади. Қадрлаш, ёрдам-кўмак ҳақида сўз борар экан, бир рақамни келтиришни ўринли, деб биламан. Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига фақат ёрдам тариқасида, яъни пенсия ва нафақалардан ташқари ҳар йили тахминан 20 миллиард сўм миқдорида ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай ёрдам аввало бепул медицина хизмати, санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачалари ва бошқа тегишли воситалар билан таъминлашга, жамоат транспортида бепул юриш, коммунал хизматлар бўйича компенсациялар беришга қаратилган.

Минг афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Халқимизда «инсон ғанимат» деган ҳикматли бир гап бор. Дарҳақиқат, биз учун барча ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ғанимат. Уларнинг умрини узайтириш, ҳар томонлама мазмунли ҳаёт кечириши учун ҳисса қўшиш, бундай эзгу ишларни амалга ошириш, айниқса, «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинган жорий йилда барчамизнинг бурчимизга айланишини истардим, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бу муқаддас майдон, наинки Хотира ва Қадрлаш куни, балки йил бўйи зиёратчилар билан гавжум бўлади. Бинобарин, кишилар бу ерга шунчаки томоша ёхуд сайр учун келмайдилар, ўтганларни ёд этадилар. Бу туйғу бугунги тинч ва осойишта ҳаётни қадрлашга даъват этади. Ушбу майдонга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни ҳар қандай бало-қазолардан сақламоқ, кўз қорачиғидек асраб-авайламоқ ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу куни Мотамсаро Она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

***

Президент Ислом Каримов шу куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудларда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, барпо этилган янги кўчалар, хиёбонлар билан танишди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг йиғилишида “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.**

**• Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан қурилишлардан бири — Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг иккинчи босқичи — 59 километрлик Қумқўрғон-Бойсун йўли ишга туширилди.**

**• Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институтининг очилиш маросими бўлди.**

### Жаҳонда

**• Буюк Британияда ўтказилган парламент сайловларида Лейбористлар партияси ғалаба қозонганидан сўнг мамлакат Бош вазири Тони Блэр ўз маҳкамасини шакллантиришга киришди.**

**• Латвияга ташриф буюрган АҚШ Президенти Жорж Буш бутун жаҳондаги эркинлик ва демократия курашчиси сифатида мамлакатнинг энг нуфузли мукофоти — Уч юлдуз ордени билан тақдирланди.**

**• 12 май куни Шимолий муз океанининг Россиядаги қирғоғидан халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти — “Гринпис”нинг навбатдаги экспедицияси йўлга чиқади.**

**• Фаластин хавфсизлик кучлари Ғазо секторидаги қисқа муддатли тўқнашувдан сўнг ХАМАС гуруҳининг учта жангарисини қўлга олдилар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

# ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ ҳамда аҳолининг ўз эҳтиёжлари учун уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга якка тартибда қарз олувчиларга имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш учун молиявий маблағларни жалб этиш ва жамлаш мақсадида:**

1. Қуйидагилар Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

ипотека кредити беришни ривожлантириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ҳамда грантларини, Жамғарма маблағларини тўлдирадиган бошқа манбаларни жалб этиш ва жамлаш;

ипотека кредити беришда иштирок этадиган «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки ҳамда бошқа банклар (бундан буён матнда банклар деб юритилади) якка тартибда қарз олувчиларга ўз эҳтиёжлари учун уй-жойлар қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга (бундан буён матнда якка тартибда қарз олувчилар деб юритилади) кредитлар бериши учун ана шу банкларга шартнома асосида кредит линиялари очиш;

Жамғарма томонидан банкларга бериладиган маблағлардан фақат мақсадли фойдаланилиши мониторингини таъминлаш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг йиллик ҳамда чорак балансларини шакллантириш.

2. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилади ва у юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади;

Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши Жамғарма бошқаруви юқори органи ҳисобланади;

Жамғарманинг ижроия дирекцияси Жамғарма ижроия органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчиси ҳисобланади;

Жамғарманинг ижрочи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади;

Жамғарма ижроия дирекциясини таъминлаш жамғарма маблағлари ҳисобидан, Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг таркиби;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси ижроия дирекциясининг бошқарув ходимлари сони 5 кишидан иборат бўлган тузилмаси;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизми тўғрисидаги Низом.

4. Қуйидагилар Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг функциялари этиб белгилансин:

хорижий кредитлар, инвестиция ва грантларни жалб этишда Жамғармага кўмаклашиш;

манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларини Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга жалб этиш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланиш прогнозларини тасдиқлаш;

банкларга бериладиган ҳар бир кредит линияси бўйича фоиз ставкасини тасдиқлаш;

Жамғарма ижроия дирекцияси фаолияти устидан, хусусан тушумлар манбаларини шакллантириш, кредит линияларини ўз вақтида очиш ва тўлаш соҳасида назоратни амалга ошириш.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

халқаро ва хорижий молия институтларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ва грантлари;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида назарда тутиладиган давлат бюджети маблағлари;

ипотека кредити бериш учун банклардаги кредит линиялари бўйича фоизлар ҳисобидан ҳамда Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қисқа муддатли давлат хазина мажбуриятларига ва банклардаги депозитларга жойлаштиришдан, шунингдек қимматли қоғозлар бозоридаги операциялардан тушадиган даромадлар;

якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларини кимошди савдосида сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад ва тушумлар.

6. Жамғармага:

маблағларни шакллантириш манбаларини тўлдириш учун ипотека ва уй-жой облигациялари, шунингдек бошқа қимматли ипотека қоғозлари чиқариш ва сотишга, кимошди савдоларида иштирок этишга;

банкларга уч йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил муддатга ва Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан ҳар бир кредит линияси бўйича тасдиқланадиган фоиз ставкаси билан қайтариш асосида уй-жойларни реконструкция қилиш ва харид қилишга, шунингдек янги қурилишга ҳар бир якка тартибда қарз олувчи ҳисобига энг кам иш ҳақи миқдорининг тегишли равишда 2500 ва 3000 карра миқдорида, аммо уй-жой қурилиши, реконструкция қилиш ва харид қилиш қийматининг 75 фоизидан ошмайдиган миқдорда кредит линиялари очишга рухсат берилсин.

7. Жамғарма барча турдаги солиқлардан ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустаснодир.

8. Банклар маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаганлиги фактлари аниқланган ҳолларда ана шу аниқланган маблағнинг ҳаммаси Жамғарма билан банк ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган жарималарни қўллаган ҳолда Жамғарма ҳисобига муддатидан илгари қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар ҳисобот йилининг 1 ноябридан кечиктирмай ҳар йили Жамғармага уй-жой қурилиши учун ажратилаётган ер майдонлари ва прогноз қилинаётган йилга мўлжалланган уй-жой қурилиши ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги «икки йиллик» сўзлари «уч йиллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри*
*2005 йил 6 май*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2005 йил 6 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Сенат мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси М.Шарифхўжаев бошқарди.

Сенат аъзолари кун тартибига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламентини кўриб чиқдилар ва тасдиқладилар.

Сенаторлар парламент юқори палатасининг олтита қўмитаси таркибини ҳамда қўмита раисларининг ўринбосарларини сайладилар, Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва одоб комиссиясини туздилар.

Парламент юқори палатаси қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасининг асосий қоидалари инобатга олинган ҳолда 2005 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган қонунчилик ва назорат фаолияти режалари ҳамда ўтказадиган тадбирларига ялпи мажлисда сўзга чиққан Сенат қўмиталарининг раислари алоҳида тўхталдилар.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга тақдим этилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини сенаторлар Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Б.Иминов тақдимига кўра кўриб чиқдилар. Бу масала муҳокамасида сенаторлардан Н.Аимбетов, Р.Усмонов, Ҳ.Артуқбоевалар иштирок этди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенат кўриб чиқиши учун киритилган «Чехия Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикаси Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида Шерикчилик таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга доир Баённома (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни атрофлича муҳокама этилганидан кейин маъқулланди.

Кун тартибидаги мазкур масала юзасидан Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, сенаторлардан А.Султонов, С.Герасимова, И.Бобожоновлар сўзга чиқдилар.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари кун тартибидаги Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Э.Воҳидов сўзга чиқди. Сенаторлар Акмал Икромов тумани номини Учтепа деб ўзгартириш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг шаҳар аҳлининг мурожаатларига асосланган илтимосномасини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Шундан кейин юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатларини амалга оширишга киришдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Улар орасида «Р.Ҳ.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлаш тўғрисида», «Б.М.Тайджановни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бошқа баъзи Фармонлари бор.

Юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисини тайинлаш тўғрисидаги масала ҳам кўрилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига тааллуқли масалалар ҳам муҳокама қилинди. Бундай масалалар қаторида Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолиятига оид ҳисобот ҳам бўлиб, уни муҳокама қилишда сенаторлардан В.Пак, И.Собиров ва бошқалар иштирок этдилар. Сенат Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2004 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Сенаторлар С.Ш.Рашидовани Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлаш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Сенат Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини тугаллади.

# МДҲНИНГ МОСКВА САММИТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7-8 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг норасмий саммитида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этди.**

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида МДҲ ҳақида сўз юритар экан, ҳозирги кунда у кўп эътирозларга учраётганига алоҳида эътибор қаратди.

Ҳолбуки, МДҲнинг имкониятлари жуда катта эди ва холисона айтганда, ҳозир ҳам оз эмас. Зотан, уни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни сақлаб қолишдан иборат эди. Аммо МДҲнинг саммитларида, Ўзбекистон Президенти кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодиёт эмас, сиёсат кўпроқ устувор бўлиб келди. Шу боис ҳам қабул қилинган қарорларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетаверди. Чунки улар аъзо давлатларнинг манфаатларига бирдек мос бўлмагани, иқтисодий фойда бермагани сабабли амалиётга татбиқ этилмади. Дейлик, Эркин савдо зонаси барпо этиш масаласи бир неча йилдан буён муҳокама этилади, лекин Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар халқлари ҳали-ҳануз унинг амалий натижасини кўргани йўқ.

МДҲ раҳбарларининг бу галги учрашувида, асосан, ташкилотни ана шу мураккаб вазиятдан чиқариш масаласи юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон раҳбари тузилмага сиёсий тус беришга уриниш, обрў орттириш учун баландпарвоз ташаббусларни илгари суриш, натижа бермайдиган таклифлар билан ўзини кўрсатишдан фойда йўқлигини таъкидлади. Буни вақт ҳам кўрсатяпти. Шунинг учун ҳам МДҲ фаолиятини ислоҳ қилишни давом эттириш, такомиллаштириш, аъзо давлатлар ўртасида том маънодаги кенг кўламли ҳамкорликни қарор топтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Президентлар Ҳамдўстлик мамлакатларида юз бераётган жараёнларни, қатор халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар.

Саммитда гуманитар ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилинди.

Москвадаги Большой театрда саммит қатнашчилари — президентларнинг МДҲ мамлакатларидан келган Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан учрашуви бўлди. Катта концерт намойиш этилди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага 60 йил тўлди. Бу уруш инсоният учун жуда қимматга тушгани барчага яхши маълум. Собиқ шўро иттифоқи республикаларидан 27 миллиондан зиёд инсон унинг қурбони бўлган. Тинчлик, озодлик ва тараққиёт учун тўкилган қон ва берилган жонларнинг қадрини бугун ҳамма теран ҳис қилади.

Ўтганлар ёди — азиз. Ўзбекистон раҳбари жанггоҳларда қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиш ҳамда омон қайтган, фронт ортида меҳнат қилган инсонларни қадрлаш, бугунги тинч замонда уларнинг ҳурматини жойига қўйиш зарур эканлигини назарда тутиб, 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилганини таъкидлаш ўринлидир.

Президент Ислом Каримов мазкур сана ҳақида сўзлар экан, уни нишонлашда барча сиёсий масалаларни четга суриб қўйиш кераклигини алоҳида таъкидлади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Москва-Тошкент.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА»




**«Ўзбекистон» нашриётида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида» деб номланган китоби босилиб чиқди. Ушбу тўпламдан давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги нутқи ўрин олган.**

Шу билан бирга, дунёнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунос олимлар, халқаро эксперт ва кузатувчилар, хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг 2004 йилда мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент сайловлари ва Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли дастурий маърузаси юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам китобга киритилган.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **ЎТГАН** куни «Бободеҳқон» маҳалласида ҳашар йўли билан бунёд этилган янги гузар биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган хайрия тадбирида уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

● **ШАҲАР** тез тиббий ёрдам станцияси Юнусобод туман бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● **ҒАФУР** Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Чилонзор туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

● **«ТУРКИСТОН»** маҳалласида Яккасарой туман ҳокимлиги, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида ёш оилаларни тиббий кўрикдан ўтказиш хусусида сўз борди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Абдували Абдуқаюмов маҳалласида ҳашар йўли билан бунёд этилган янги гузар фойдаланишга топширилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман корхоналари, ўқув муассасалари, маҳаллалари ҳудудида Хотира ва Қадрлаш куниҳамда II жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан ҳашар уюштирилди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Алижон» қаҳвахонасида уюштирилган хайрия тадбирида Яккасарой туманида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# ЯНГИ НОМЛАР

Топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика ва шаҳар комиссияларининг таклифларига биноан Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан айрим кўчалар номлари қуйидагича ўзгартирилди:

| Ҳозирги номи | Янги номи |
|---|---|
| Д.Қунаев<br>(Миробод ва Яккасарой туманлари ҳудуди) | Миробод кўчаси |
| Д.Қунаев 1-тор кўчаси<br>(Яккасарой тумани ҳудуди) | Миробод 1-тор кўчаси |
| Д.Қунаев 2-тор кўчаси | Миробод 2-тор кўчаси |
| Ҳ.Асомов кўчаси<br>(Собир Раҳимов тумани) | Абдулла Қодирий кўчаси |
| Х.Рахматулин<br>(Мирзо Улуғбек тумани) | Эргаш Отахонов кўчаси |

**Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан изчил амалга оширилаётган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсатининг асосий мақсади — фарзандларимиз жисмоний, маънавий ва ижодий жиҳатдан ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитни яратиб беришдан иборатдир, деб таъкидланди Тошкентда бўлиб ўтган «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ёрдам кўрсатишнинг самарали шакл ва усуллари» халқаро анжуманида. Амалга оширилаётган қатор ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларида ҳам ана шу олижаноб интилиш мужассам.**

# КЕЛАЖАК ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Анжуман қатнашчилари бу йўлда қандай чора-тадбирлар амалга оширилаётганини муҳокама қилди. Бу хайрли тадбирлардан бири Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ташкил этилиши бўлди. Марказ мутахассислари бу борадаги муаммоларни чуқур ўрганиш билан чекланиб қолмай, уларни ҳал этиш бўйича аниқ мақсадли комплекс дастурларни ҳам ишлаб чиқмоқда.

Болалар манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш — тараққиёт жараёнларининг узвий қисми ҳисобланади, деб таъкидлади ўз маърузасида Инсон ҳуқуқлари миллий маркази директори А.Саидов. Ўзбекистон аҳолисининг 39 фоизини ҳали меҳнатга лаёқатли ёшга етмаганлар ташкил этади. Республикада болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал тизими яратилган бўлиб, у давлат ва жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

Хорижий мутахассислар анжуман иштирокчиларини халқаро ташкилотлар ва турли мамлакатларнинг болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тўплаган ижобий тажрибаси билан таништирдилар. Жумладан, Буюк Британиянинг «Принс траст» ижроия жамғармаси раҳбари Линда Круз болаларни жароҳатдан кейин ижтимоий реабилитация қилишнинг замонавий усуллари ҳақида сўзлаб берди.

Анжуман қатнашчилари етим, ногирон ва тарбияси оғир болаларнинг ижтимоий нуқтаи назардан мослашуви ва реабилитацияси билан боғлиқ масалаларни, вояга етмаганлар орасида рўй берадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг янги усуллари ҳамда ижтимоий соҳа ходимларини тайёрлаш борасидаги ишларни кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Анжуманда ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларнинг мослашуви ва ҳимоясининг услубий, ташкилий, ҳуқуқий, ахлоқий жиҳатлари бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

— Анжуманда қатнашиш мен учун жуда фойдали бўлди, — деди ЎзА мухбирига Киев давлат университети ижтимоий ишлар кафедраси мудири, профессор Юрий Швалб. - Биз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан ижтимоий соҳа ходимларини тайёрлаш бўйича ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олдик. Менинг Ўзбекистонга ташриф чоғида олган энг катта таассуротим — бу мамлакатингизда ўзбек халқининг ёрдамга муҳтож болаларни ҳеч қачон эътибор ва ғамхўрликдан четда қолдирмасликдек эзгу анъанаси давлат даражасида қўллаб-қувватланаётгани бўлди. Бу фикрга Истамбулдаги тарбияси оғир болалар билан ишлаш бўйича реабилитация маркази директори, «Йениден» (Туркия) жамғармаси раҳбари Қултегин ўғли ҳам қўшилди:

— Ишончим комилки, бугун қабул қилинган ҳужжатлар, анжуманда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муаммоларнинг ошкора муҳокама этилиши бу борадаги фаолиятнинг янада кучайишига, энг самарали услуб ва янги ечимларни излаб топишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда тарбияси оғир болаларнинг ижтимоий мослашуви масаласига ҳақиқий давлат ёндашуви мавжуд бўлиб, бу келажакни ўйлаб қилинаётган ишларнинг янада ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб беради.

- Анжуман жуда юқори савияда ўтди,- деди Россия соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш федерал агентлиги «Детство» федерал реабилитация маркази директорининг биринчи ўринбосари Олег Ефимов. - Бу ерда қабул қилинган ҳақиқатан ҳам ҳаётбахш қарорлар анжуманнинг асосий натижаси бўлди. Ўзбекистон ҳукумати болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларни қўллаб-қувватлаётгани боис бу қарорларнинг амалга оширилишига шубҳа йўқ. Бундай ғамхўрликни ҳамма жойда ҳам учратиш қийин. Анжуман кун тартибига қўйилган муаммолар кутилганидан ҳам кенгроқ муҳокама қилинди. Тарбияси оғир болалар, етимлар, ногиронлар ҳаёти ва тарбиясининг барча жиҳатлари қамраб олинди. Бу масалада мамлакатингизда муваффақиятли ҳал этилаётган қатор жиҳатларни биз, россиялик мутахассислар, ўз фаолиятимизда инобатга олмаганимиз аён бўлиб қолди. Ўзбекистон тажрибаси биз учун жуда аҳамиятли ва фойдали бўлди, биз уни ўз ишимизда албатта қўллаймиз.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда болалар ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик оғушида яшамоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш - халқ ва мамлакат келажаги учун ғамхўрлик демакдир. Тошкентда ўтган халқаро форум якунлари ҳам бу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Иқтисодиёт*

## БАРЧАГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА

**Ширинликни нафақат болажонлар, балки катталар ҳам иштаҳа билан тановул қилишади. Айниқса, у сифатли бўлса, чиройли қадоқланса дастурхонингиз безаги бўлади.**

Шу боис ҳам «Ёш футболчи» хусусий фирмасида тайёрланаётган ширинликларнинг харидорлари сафи ортмоқда. Зеро, корхона цехларида хорижий линияларда ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари хорижникидан асло қолишмайди. Бу ерда сифатга эътибор қаратиш баробарида ширинликлар турларини кўпайтиришга, маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланишга ҳам аҳамият берилмоқда. Чунки бугунги харидор талаби юқори, диди эса баланд.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар республикамиз вилоятларидаги савдо шохобчаларига ҳам буюртмалар асосида етказиб берилмоқда. Айниқса, тадбиркорлар ишлаб чиқараётган ёнғоқли вафли, «Юбилей» печеньеси, «Сказка», «Маймоқ айиқ» сингари шоколад ва карамель ширинликлари барчага манзур бўлмоқда.

## ЯНГИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР

**Ҳозирда, бирорта хонадонни телевизорсиз тасаввур этиш мушкул. У барчани янгиликлардан воқиф этиш билан бирга, турли кўрсатувлар билан дам олишингизга ҳисса қўшади.**

Харидорлар талаби ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда шаҳримиздаги «Фотон» акциядорлик жамиятида янги русумдаги замонавий оқ-қора телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ушбу маҳсулот тури корхонанинг телевизор цехига ўрнатилган Япониянинг «SONI» линиясида ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, жамият мутахассислари бозорни ўрганиш, маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиш асосида маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Ўта замонавий «Меркурий 115ФУЗ» ва «Орион-100ФУЗ» назорат касса машиналари ана шулар жумласидандир.

## «ТОЗА ШАҲАР УЧУН» ДАСТУРИ

**«POSSER» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари жорий йилда хайрли ишга қўл уришди. Улар томонидан ишлаб чиқилган «Тоза шаҳар учун» дастури пойтахтимиз покизалиги ва кўркамлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.**

2005-2007 йилларга мўлжалланган ушбу дастурга кўра шаҳримизнинг санитар ҳолатини янада яхшилаш кўзда тутилган бўлиб, у шаҳар ҳокимияти томонидан маъқулланди. Ўз маҳсулотлари билан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига бир неча йиллардан буён муҳим ҳисса қўшаётган тадбиркорлар кўча ва майдонларга орасталикни тарғибот қилувчи рекламали ахлат қутиларини ўрнатишни кўзда тутишган.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

# ЭКСПОРТ СТРАТЕГИЯСИ: УНИ ҚАНДАЙ ИШЛАБ ЧИҚИШ КЕРАК?

**Тошкентда Халқаро савдо марказининг Ўзбекистонда савдони ривожлантириш дастури доирасида «Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик тармоғини экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш» мавзуида семинар ўтказилди.**

Семинарда давлат ва хусусий тармоқ вакиллари, савдо-сотиқни ривожлантириш ташкилотлари мутахассислари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларни хориж бозорларига чиқариш билан шуғулланувчи ташкилот ва корхоналар, банклар вакиллари иштирок этди.

Маълумки, мамлакатимизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг катта қисми «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси таркибидаги корхоналарда қайта ишланади. Сўнгги йилларда турли хусусий кичик корхоналар ҳам маҳсулотларни қайта ишлаш билан шуғулланмоқда.

— Экспорт бўйича стратегияни татбиқ этишда ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзлари фаол иштирок этишлари керак, — деди Ўзбекистонда савдони ривожлантириш дастурининг иш юритувчиси Шароб Машрабий. — Бугунги семинар иштирокчилари билдираётган фикрлар стратегияни мукаммал тарзда ишлаб чиқилишига ёрдам беради. Ишлаб чиқилган стратегия лойиҳаси ҳукуматга тақдим этилади. Асосий мақсадимиз, уни қабул қилишдан ҳам кўра амалда яхши самара беришини таъминлашдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида ўтказилган кузатувлардан маълум бўлишича, уларнинг аксар қисмида замонавий хориж технологиялари ўрнатилганлиги сабабли сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш имконига эга. Лекин корхоналарда ушбу технологияларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Семинар иштирокчилари халқаро савдо маркази экспертлари билан биргаликда озиқ-овқат саноати, хусусан, мева-сабзавотчилик тармоғининг самарадорлигини ошириш, маҳсулот экспорти бўйича ҳамкорликда турли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш йўлларини муҳокама этишди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

# «ISHONCH» - ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

**Кўптармоқли ва универсал «Ishonch» банклараро суғурта компанияси Буюк Британиянинг жаҳондаги энг йирик суғурта брокерларидан бири ҳисобланган «Oakeshott insurance consultants LTD» компанияси билан қайта суғурталаш бўйича ҳамкорлик шартномасини имзолади.**

— Компаниямизнинг ушбу етакчи суғурта муассасаси билан манфаатли алоқани йўлга қўйгани зиммамизга олаётган катта миқдордаги суғурта мажбуриятларини ўзаро тақсимлаб, қалтисликларни бошқариш имконини беради, — деди мазкур суғурта компанияси бош директори Миршамсиддин Ҳикматиллаев ЎзА мухбирига. - Ҳамкоримиз МДҲ ҳудудидаги саккиз давлатда юридик ва жисмоний шахсларга суғурта ва қайта суғурталаш бўйича ўз хизматларини таклиф этаётир.

Низом жамғармаси ярим миллион АҚШ долларига тенг «Ishonch» компаниясининг амалдаги шартномалар бўйича суғурта мажбуриятлари миқдори эллик икки ярим миллиард сўмни ташкил этади. Жорий йил бошидан буён бир ярим минг мижоз билан суғурта шартномаси имзоланди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 170 фоиз кўп демакдир.

**ЎзА**

# «ЕВРОПАГА ЙЎЛ»

**Берлинда Ўзбекистан Республикаси Бадиий академияси аъзолари Ш.Қўзиева ва И.Шиннинг расмлар кўргазмаси очилди. «Европага йўл» деб номланган кўргазма республикамиз элчихонаси ҳамда «Веркштатт дер Культурен» Германия ноҳукумат ташкилоти билан биргаликда ташкил этилди.**

Унда ГФРнинг 150 дан зиёд сиёсат, жамоатчилик ва маданият доиралари, Берлинда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди.

«Веркштатт дер Культурен» кенгаши раиси А.Фройденберг ўз нутқида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги маданий алоқаларнинг келгусида янада кенгайиб, мустаҳкамланишида бу каби кўргазмаларнинг уюштирилиши алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Берлинлик мусаввира Г.Куркхауз ўзбекистонлик ҳамкасабаларининг кўргазмага қўйилган ишларини юқори баҳолади. Гумбольдт номидаги Шарқшунослик университети илмий ходими Ж.Дайгели йиғилганлар ҳузурида «Ўзбекистон: Буюк ипак йўлининг уйғониши» мавзуида маъруза ўқиди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги меъморий ёдгорликлар тўғрисида фильм намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА**

# СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МОЛЛАРИ

**Пойтахтимизда "Инвест-тош" масъулияти чекланган жамиятининг фаолият кўрсатаётганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин корхона маҳсулотларидан нафақат Тошкент шаҳрида, балки вилоятларда ҳам кенг фойдаланишади. Сабаби мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларининг сифати, дизайни ускунаси хорижникидан деярли фарқ қилмайди. Асосан мармар плиткалари маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхона Италиянинг "Педрини" фирмаси билан жиҳозланган бўлиб, айни чоғда бу ерда тайёрланаётган хилма-хил плиткалар кўплаб биноларнинг кўркига кўрк бағишламоқда.**

Жумладан, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятларидаги ҳокимлик бинолари, метро ва маданият муассасалари айнан мазкур корхонанинг материаллари асосида безатилган.

Таъкидлаш жоизки, ойига 3 минг квадрат метр мармар маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган ушбу корхонада 50 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда ва уларга барча шароитлар яратилган. Хусусан, ошхона, ювиниш хоналари, кичик спорт майдончаси хизматидан барча фойдаланади.

**Усмон УСМОНОВ**





**СУРАТЛАРДА: корхонанинг бош муҳандиси Собир Маҳкамжонов ва Раҳим Абдуллаев иш устида; Дониёр Ёқубов мармарга қайта ишлов бермоқда.**

**Муаллиф олган суратлар**

**Якка тартибдаги тадбиркорлар ва савдо корхоналарининг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш улар фаолиятини ривожлантириш мақсадида Ҳамза туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар форуми бўлиб ўтди.**

## ТУМАНДА ТАДБИРКОРЛАР ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Ҳамза тумани бўлими ташаббуси билан ўтказилган ушбу форумда тумандаги 1000 дан ортиқ йирик, ўрта ва кичик корхоналардан вакиллар ҳамда туман солиқ қўмитаси, туман прокуратурасидан соҳа вакиллари иштирок этишди.

— Ҳозирги кунда туманимизда "Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти, "Шафақ-текстил" қўшма корхонаси, "East-Kolor" масъулияти чекланган жамиятларидан ташқари бир қанча кичик ва хусусий корхоналар фаолият юритмоқда, — дейди жумладан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Ҳамза тумани бўлими раҳбари Лочин Каримов. — Ушбу форумни ўтказишдан асосий мақсад тадбиркорларимизни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда уларга кераклича йўл-йўриқ кўрсатишдир. Тўғри, ишлаб чиқариш жараёнидаги муаммолар ҳеч қачон бир йўналишда бўлмайди. Корхона эгасига четдан хом ашё келтириш, солиқларни ўз вақтида тўлашдаги камчиликлар, маҳсулотини сертификатлашдаги айрим муаммолар шулар жумласидандир. Бу ўринда биринчи навбатда тадбиркор корхона эгаси қонунларни яхши билмоғи зарур.

Ҳозирги кунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш борасида давлатимиз томонидан тегишли қарорлар чиқарилмоқдаки, булар албатта ишлаб чиқарувчи учун илк ёрдам ҳисобланади.

Бўлиб ўтган форумда тадбиркорликни ривожлантириш, уларга қулай фаолият шароитларини яратиш борасидаги Фармон ва қарорларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди ҳамда соҳа ходимлари тадбиркорларга кераклича маслаҳатлар беришди.

**Хушнуд КАРИМОВ**
**ТДЮИ**
**II босқич магистранти**

*Хотира — муқаддас, қадрлаш — бурчимиз*

# ФАОЛЛАР БОШ-ҚОШ БЎЛИШДИ

**Шайхонтоҳур туманидаги «Чўпон ота» маҳалласида ҳам Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари ўзига хос тарзда нишонланди.**

Дастлаб туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Б.Тошмиров, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раҳбари Ҳ.Аҳроров, «Нуроний» жамғармаси бошлиғи К.Ёқубов ҳамда маҳалла оқсоқоли Ҳ.Акбаров олти нафар хасталаниб қолган уруш қатнашчилари ва ногиронларининг уйларига бориб, байрам билан қутлашди, совға-саломлар улашишди.

Сўнг қолган 16 нафар уруш қатнашчилари ҳамда 18 нафар фронт ортида меҳнат қилганлар, меҳнат фахрийлари маҳалла гузаридаги тадбирга таклиф этилди. Улар тўкин дастурхон устида суронли йилларни, қуролдош дўстларини эслашди, чиройли концерт дастуридан баҳраманд бўлишди. Тадбир давомида уруш фахрийларига Ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган юбилей медаллари топширилди.

Шунингдек, ўн нафар II жаҳон уруши қатнашчиси Россиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси таклифига биноан элчихонада ўтказилган тантаналарда иштирок этишди.

- Биз кексалар Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатаётган доимий ғамхўрликларидан беҳад шодмиз, - дейди II жаҳон уруши пайтида фронт ортида меҳнат қилган Сиддиқ ота Фузаилов. - Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Ўз навбатида биз кексалар, ҳам бой ҳаётий тажрибамизни ишга солиб, маҳаллаларимизда ёшлар тарбиясига, меҳр-оқибатни янада қарор топтиришга баҳоли-қудрат ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз.

* * *

**Юнусобод туманидаги «Оқибат» маҳалласи мўъжазгина бўлса-да, исми-жисмига монанд бу масканда меҳр-оқибатли ва мурувватли инсонлар истиқомат қилишади.**

Шу сабабдан маҳаллададаги ҳар бир тадбир фаоллар бошчилигида уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ўтади.

Бу гал ҳам маҳалла оқсоқоли Марат Камолов, котиб Абулхолис Собирхўжаев, фаол Баҳодирхўжа Абдужабборов ва бошқалар саъй-ҳаракатлари ва ташкилотчилигида қўш байрам муносабати билан маҳалла марказига уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар, маҳалла ободлигига ўз ҳиссасини қўшаётган заҳматкаш инсонлар таклиф этилди.

Бир пиёла чой устида ўтган тадбирда ҳаётдан кўз юмган маҳалладошлар хотираси ёдга олиниб, Қуръон оятларидан тиловат қилинди, кексалик гаштини сураётган фахрийларга Ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган юбилей медаллари топширилди.

Уруш ва меҳнат фахрийси, жангчи-журналист, Ўзбекистон матбуоти ривожига катта ҳисса қўшган заҳматкаш инсон Зиёд Есенбоев, уруш фахрийси Икром Одилов, истеъфодаги милиция генерал-лейтенанти Жўра Аъзамовлар уруш хотираларини ёдга олишди, ёшларга тинч ҳаётнинг, осойишталикнинг қадрига етиш юзасидан ўгитлар беришди, бундан кейин ҳам маҳалла ободлиги, саришталиги йўлида қўлларидан келганича ёрдам беражакларини таъкидлаб ўтишди.

Санъаткорлар ижросидаги дилтортар мумтоз қўшиқлар тадбирга янада файз ва тароват бахш этди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

# ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР



**Бектемир туман ҳокимлигида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирокида "Хотира уйғонса гўзалдир" деб номланган тадбир ўтказилди.**

Ушбу тадбир туман ҳокимлиги ташаббуси билан Иккинчи жаҳон урушида эришилган Ғалабанинг 60 йиллигини муносиб нишонлаш, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларни мукофотлаш, фахрийлар ҳамда қаҳрамонларни қутлаш, шунингдек, совға-саломлар топшириш мақсадида ташкил этилди.

Кечани туман ҳокими Акмал Ҳошимжонов очар экан, барча уруш қатнашчилари ҳамда фахрий отахонларни чин қалбдан қутлаб, уларни "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги" юбилей медали ҳамда пул мукофоти билан тақдирлади.

Тадбирда иштирок этаётган фахрийлар Саъдулла Рўзиметов, Михаил Колядинлар кўпчилик номидан сўзга чиқиб, Юртбошимиз раҳнамолигида уруш қатнашчиларига берилаётган катта эътиборга самимий ташаккурлар билдиришди.

Туманда истиқомат қилувчи барча фахрийлар "Истиқлол" маҳалласида жойлашган "Астробод" гузари, шунингдек, "Байрам" қаҳвахонасига байрам дастурхонига таклиф этилди.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТДА: айрим кексалар уйида қутланди.**

# ФАХРИЙЛАР КЎНГЛИ КЎТАРИЛДИ

**Хотира — муқаддас, тирикларни қадрлаш эса улуғ савобдир.**

**— Биз жанг майдонларида элу-юрт тинчлиги йўлида азиз жонларини қурбон қилган юртдошларимиз олдида ҳамиша таъзим қиламиз, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Сархумдон" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд ака Рашидов. — Уруш даҳшатларини бошидан кечирган отахонларнинг ҳар бирлари жонли тарих, ўчмас хотиралари эса тинч, дориломон кунлар қадрига етиш, мустақиллигимиз абадий бўлиши учун доимо хушёр туришга чақиради.**

Бу сўзлар Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан "Сархумдон" маҳалласида бўлиб ўтган "Хотира ва қадрлаш-инсоний бурч" деб номланган тадбирда таъкидлаб ўтилди.

Икки юздан ортиқ маҳалла аҳли, 6 нафар уруш қатнашчиси ва 10 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони давлатимизнинг уруш иштирокчиларига ғамхўрлигининг яна бир ёрқин намойиши бўлганини айтиб ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

— У кунларни эслаганда беихтиёр кўзимизга ёш қуйилиб келади, озмунча қийинчилик, ҳаёт-мамот жангу жадалларини кўрдикми, ажал олови уфуриб турган қозонга бош суқиш учун буюк жасорат, муқаддас она тупроғингга туганмас меҳр керак эди ўшанда. Яқинда узоқ-яқин дўстлар йиғилишдик, минг афсуски, ғалабанинг эллик йиллиги нишонланишида учрашганимизга нисбатан икки бараварга камайиб кетибмиз. Қирғинбарот уруш гувоҳлари сони тобора камаймоқда. Бизга кўрсатилаётган моддий ва маънавий кўмак учун жуда миннатдормиз, — дейди уруш қатнашчиси Тошпўлат ота Алимжонов. — Бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади ахир.

* * *

**Сергели туманидаги "Чоштепа" маҳалласи аҳли Хотира ва Қадрлаш кунида яна бир тантанани нишонладилар. Яъни маҳалла ҳудудида "Оталар чойхонаси" тадбиркор Ғайрат Мусабеков саъй-ҳаракати билан фойдаланишга топширилди.**

Куни кеча 4 нафар уруш қатнашчиси, 48 нафар уруш ортида меҳнат қилган фахрийлар ва маҳалла фаоллари иштирокида ҳудуддаги хотира ёдгорлиги ёнида катта йиғин ўтказилди. Сўзга чиққанлар қанчадан қанча оилаларга кулфатлар ёғдирган, минг-минглаб мард ўғлонларимизнинг бегона юртларда қолиб кетиши, бегуноҳ гўдакларнинг тирик етим бўлиб қолишларига сабабчи бўлган уруш даҳшатларининг туганмас армонлари ҳақида, бугунги тинч кунларнинг қадрига етиб, асраб-авайлаш ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг тадбирга йиғилганлар маҳалла гузарининг очилиш маросимига таклиф этилди. Ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган, ҳозирги русумдаги қулай жиҳозлар билан таъминланиб маҳаллага кўрку салобат бағишлаган "Оталар чойхонаси"нинг илк меҳмонлари уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийлари бўлди.

Чиройли байрам дастурхони атрофида, мумтоз наволар янграётган даврада кекса, табаррук отахонлар элу юрт ободлиги, хонадонларимиз тинчлигини сўраб, Яратганга шукроналар келтириб дуоифотиҳа қилдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

# ЧЕҲРАЛАРДАГИ ҚУВОНЧ

**Ўтганларни хотирлаш баробарида, кексаларни, юртимиз ободлиги ва озодлигига ўз ҳиссасини қўшган, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган инсонларни қадрлаш ва эъзозлаш, кўнгилларини шод этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.**

Бектемир туманидаги «Норуда» акциядорлик жамиятида ўтказилган тантанали кеча ҳам Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уюштирилди. Ушбу тадбир корхона маъмурияти, касаба уюшмаси ва ЎзЛиДеП бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилиб, унга корхонада меҳнат қилган ва ривожида муносиб ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

Тантанани корхона раҳбари, ЎзЛиДеП Бектемир туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Рауф Шарипов очиб, жамоа аҳли номидан йиғилганларни қизғин табриклади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, кўп йиллар ҳамжиҳатликда меҳнат қилган ҳамкасблар учрашуви, байрамона дастурхон, табрик сўзлари фахрийларни тўлқинлантириб юборди. Айниқса, болажонлар ижросидаги шўх қўшиқ ва рақслар дилларга завқ бахш этди.

— Корхонамизда меҳнат қилиб ҳозирда кексалик гаштини сураётган 200 нафардан зиёд фахрийларимиз ҳамиша эътиборимизда, — дейди касаба уюшмаси раиси Илмира Бахтиева. — Уларни нафақат байрамларда, кези келганда тез-тез йўқлаб туришга ҳаракат қиламиз, ёрдамимизни аямаймиз. Мана бугун ҳам йиғилган уруш ва меҳнат фахрийларимизнинг юзларидаги шодликни кўриб ўзимиз ҳам мамнун бўлдик. Ҳа, улар ҳар қанча эъзозга лойиқ ва бу борада ҳар биримиз бурчлимиз.

Кеча сўнгида таклиф этилган барча фахрийларга байрам совғалари улашилди. Энг муҳим совға эса чеҳраларда акс этаётган қувонч ва миннатдорчилик бўлди.

* * *

Бектемир туманидаги «Астробод» гузарида ҳам Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ёзилган байрам дастурхонига 300 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

Туман ҳокимлиги ва ЎзЛиДеП Бектемир туман Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тантанада сўзга чиққанлар фахрийларни дилдан қутлаб, уларга узоқ умр тилашди, хизматлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Уруш ва меҳнат фахрийларига топширилган совғалар уларни хушнуд этиш баробарида эътибору эъзоз қалбларини тўлқинлантирди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Пулу молга бўлган ташналик сувга бўлган ташналикдан кўра даҳшатлироқ.

● Жавобга шошилган киши хатога йўл қўяди.

● Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва садоқат.

● ҲИКМАТ. Инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқидир.

**Чиройли хулқ билан**
**инсон инсондир.**
**Четдан боқсанг шакли**
**ҳаммаси бир хил.**
**Рангу ҳиди билан**
**фарқи билинар.**
**Ёшликда бир хил**
**бўлган «гулу гил»!**

● Бир ҳакимдан: «Хушхулқ киши қандай киши?» деб сўрадилар. Ҳаким: «Ҳеч нарсадан ранжимайдиган киши!» деб жавоб берди. Ёмон хулқли киши ҳақида сўраганларида эса: «Ёмонлик билан яхшилик ўртасидаги фарқни билмайдиган киши!» деб жавоб берди.

● Меҳмонга борганингда уй эгасидан сув ёки тузгина сўраб олишинг мумкин. Булардан бошқа нарсаларни сўраб олиб ейиш беодоблик ҳисобланади.

● Бир меҳмон: «Меҳмон учун мезбоннинг тўқлигидан кўра зарарлироқ нарса йўқ», деб ҳазиллашган эди.

Чунки меҳмоннинг олдига овқат олиб келинса-ю, мезбон овқат еб, тўйиб олган бўлса меҳмон бемалол еяолмаслиги мумкин.

● Меҳмонда улуғ одамлар ўтирган бўлса овқатга улардан олдин қўл узатма, овқат олиб чиқиладиган томонга қарайверма.

● Ҳакимларнинг айтишича, шижоат ва саховат ва хушфеъллик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуғлик сармоясидан баҳраманддлик топганлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижоат аҳён-аҳёнда ишга тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўлавермайди, унинг уддасидан чиқиш учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсаки, унга барча одам эга олади. Ёқимли хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббати ва мулойимлик қайтади.

Қитъа:

**Абадий саодатнинг**
**калити хушфеълликдир,**
**Аммо унга баъзилар**
**муяссар эрмас!**

*Дзюдо*

# ЮҚОРИ МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

**Шаҳримиздаги «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти залида уч кун давомида 1986-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида «Динамо» жамиятининг очиқ биринчилиги бўлиб ўтди.**

Унда Чирчиқ, Янгийўл, Қибрай шаҳарлари жамоалари, шаҳримизнинг «ТТЗ», «Ёшлик», «Олимпия» клублари, МҲСК, Республика Олимпия заҳиралари коллежи вакиллари бўлмиш жами 150 га яқин ёш спортчи иштирок этди.





— Қатнашчиларнинг кўпчилиги маҳоратлари ўсиб бораётганлигини исботлади, — дейди мусобақанинг бош ҳаками, Республика тоифасидаги ҳакам Давлат Қосимов. — Айниқса, тошкентлик дзюдочилар ҳозирги кунда маҳорат бобида бир мунча устун эканликларини ўз эришган натижалари орқали исботлашди.



Дарҳақиқат, ғолиблар сафига назар ташлар эканмиз, ушбу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиламиз.

Жумладан 35 ва 38 килограммгача бўлган энг енгил вазнларда Чирчиқ ва Қибрай шаҳарлари вакиллари Д.Анакиев ҳамда С.Худойбергеновлар ғалаба қозонишган бўлса, 41 килограммдан 66 килограммгача бўлган қаторасига олтита вазн тоифасида М.Алиев, Р.Фарҳодов, Ш.Одилов, С.Азимов, Х.Зарифов, Ш.Дадабоев каби ҳамшаҳарларимиз ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасини забт этишди.

73 килограммдан юқори мутлақ вазн тоифасида эса энг умидли ўсмирлардан бири — тошкентлик Евгений Рябининга тенг келадиганлар топилмади.

Айниқса 50 килограммгача вазнда куч синашган Ш.Одиловнинг куч-ғайратига мутахассису мухлислар тан беришди. У ўзининг барча беллашувларини юқори суръатда ўтказди ва ҳақли равишда техник маҳорат бобида барча қатнашчилардан устун эканлигини исботлади. Ушбу спортчи Республика терма жамоаси таркибига киритилди.

Ғолиб ва совриндорлар дипломлар ҳамда қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди.

**Фаррух НУРМУҲАММЕДОВ**

**СУРАТЛАРДА: «Динамо» жамияти очиқ биринчилигидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.**

**Маълумки, мамлакатимизда ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик каби аср иллатлари ҳамда диний ақидапарастликка қарши маърифий кураш ҳам олиб борилмоқда.**

*Кўргазмалар*

# ЁШ МУСАВВИРЛАР ЮТУҒИ

Руҳий ва жисмоний соғлом турмуш тарзи турли шаклларда, воситаларда тарғиб этилмоқда. Бу борада нафақат рассом-ижодкорлар, балки бўлажак мусаввирлар ҳам ўз ижодий плакат асарлари билан жамиятда содир бўлаётган воқеаларга фаол, ватанпарварлик муносабатларини билдирмоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти томонидан Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган, талабалар учун ташкил этилган "Плакат — давр кўзгуси" номли кўрик-танлов бўлиб ўтди.

"Ёшлик — ... иллатларга қарши" шиори остида ўтказилган ушбу тадбирга Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлик қилдилар. Танловга 19 нафар ёш ижодкор талабанинг 40 га яқин плакат ишлари тақдим этилди. Кўрикда иштирок этган ҳар бир қатнашчига махсус сертификатлар берилди ва ишлари кўргазмага қўйилди.

Моҳир мутахассислардан ташкил топган ҳайъат аъзолари томонидан танлов ғолиблари турли номинациялар бўйича аниқланиб, уларга дипломлар, пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

— "Энг яхши ғоя" учун таъсис этилган, Ўзбекистон халқ рассоми Фаррух Кагаров номидаги махсус соврин, шунингдек Ўзбекистон Бадиий академиясининг битта дипломи ҳамда Фахрий ёрлиқлар ҳам ўз муносиб эгаларини топди, биз талабаларимиз муваффақиятидан жуда мамнунмиз, — дейди плакатлар кўргазмаси ташкилотчиларидан бири — рассом-педагог Носиржон Ҳусанов.

**Баҳром ТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси**
**Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.**

*Мунажжим башорати*

# СЎЗИНГИЗ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ

**11 МАЙ, ЧОРШАНБА**

**Мунажжимларнинг таъкидлашича, бу чоршанбанинг астрологик фани бир қарашда инсонлар учун қулай ва улар эркини бирон-бир даражада чекламайдигандай туюлади. Ойнинг Эгизаклар буржида бўлиши уларни сермулозамат ва хушмуомала қилиб қўяди.**

Лекин Ойнинг тўртинчи куни рамзи ва унинг ноқулай жойлашиши ҳар бир инсон ўз олдида турган масъулиятни ҳис этиши - ҳар бир ҳаракати, ўй-фикрлари ва сўзи, иши учун жавобгарликни туйиши лозимлигини ёдга солади. Шахснинг ёрқин қирралари ҳеч қачон хира тортмаслиги учун улар бир-бирига тўла ҳамоҳанг бўлиши керак.

Вақтингизни кўпроқ уйингиз, оилангизга, фарзандлар ва қариндошларга ажратинг. Муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзинг. Ҳар қандай рўзғор ишлари, таом тайёрлаш билан машғул бўлиш хайрли кечади. Экинларни парваришлаш, дамлама ва дори-дармонлар тайёрлаш фойдали бўлади. Бугун уй ҳайвонларини сотиб олиш мумкин. Узоқ чўзилмайдиган ва тез битадиган ишлар билан машғул бўлиш фойда келтиради. Қарз олиш, ошқозон ва кўкрак қафасидаги жарроҳлик операциялари хайрли бўлмайди.

Кун бўйи ит ҳуриши сизни таъқиб этиши ёки мусиқа ва қўшиқдан қулоғингиз тинмаса - бу яхшилик аломати ҳисобланади. Бирон жойингизни кесиб олишингиз, бирон нарсанинг санчилиши ёки ҳашаротларнинг чақиб олиши - ноҳуш синовларга ишора. Бирон нарсани йўқотиб қўйишингиз - бирон-бир хасталикнинг бошланишидан дарakдир. Чарм ёки ёғоч буюмни топиб олишни келаётган омаддан хабар дейиш мумкин.

Бу кеча кўрадиган тушларингиз сиз учун ғоят муҳимдир. Чунки сизни қийнаётган кўпгина саволларга айнан шу тушларингиздан жавоб топасиз. Бугун тушингизга кирган барча нарсаларни ёзиб қўйинг. Булар келажакда керак бўлиб қолади.

Ҳазми оғир, ёғлиқ таомларни истеъмол қилманг - ошқозон ва жигарингиз бундан азият чекиши мумкин.

Кийинишда кўк ва яшил либосларга кўпроқ устуворлик беринг. Жуда ёрқин, шунингдек, қора ранглардан узоқроқ бўлинг.

**БУГУН:**

- янги ишларга қўл уриш;
- турар жойингиз ёки ишингизни ўзгартиришингиз;
- дўконлар ва бозор оралаб юриш ва керакли нарсаларни харид қилишингиз;
- дарахт кўчатларини, экинларни суғориш, ҳовуз бўйида дам олиш (сув билан боғлиқ ҳар қандай муолажа фойдали бўлади);
- ҳар қандай муаммони ҳал этишда аввало ундан кўриладиган манфаатни ҳисобга олишингиз тавсия этилади.

Хотинингиз (эрингиз) ва бошқа оила аъзоларингиз билан жанжаллашишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.



*— Ойи, мактабга бормийман.*
*— Нега?*
*— Яна пардага, туғилган кунга пул сўрашади.*

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3868 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-307. 1 2 3 4 5